

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

БАНК ХОДИМЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛАРНИНГ ҲАФТАЛИК НАШРИ

№ 26 (1205) 2019 йил 27 июнь

1995 йил январдан бошлаб нашр этилмоқда

ISSN 2010-6602

@bank_axborotnomasi

Сайтимизга ўтиш учун QR кодини телефонингиз орқали сканер қилинг



БАНК МАРКАЗЛАРИ ИШ БОШЛАДИ

Мамлакатимизда банклараро рақобат шароитида аҳолига қулай жойларда хизмат кўрсатиш марказларини ташкил этиш ва мижозларга юқори сифатли банк хизматларини кўрсатиш тижорат банклари ривожининг энг муҳим жиҳати айланди.

Шу боисдан "Ўзмиллийбанк"нинг 2019-2021 йилларда ривожланиш Стратегиясида ҳам айнан мижозлар учун қулай ҳудудларда хизмат кўрсатиш марказлари ташкил этиш устувор вазифалардан бири этиб белгиланган. Бу йўналишда банк томонидан хизмат кўрсатиш марказлари тармоғини кенгайтириш бўйича қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Жумладан, пойтахтимиз аҳолиси ва меҳмонларига қулай банк хизматларини тақдим этиш мақсадида банк томонидан Тошкент шаҳрининг Миробод туманида "Наврўз", Яшнобод туманида "Авиасозлар", Чилонзор туманида "Инновация" ҳамда Сергели туманида "Янги Сергели" номли банк хизматларини кўрсатиш марказлари ишга туширилди.

(Давоми 2-саҳифада)



30 ИЮНЬ – ЁШЛАР КУНИ

"YOSHLAR – KELAJAGIMIZ" ЖАМҒАРМАСИНИНГ САМАРАЛИ ЛОЙИХАЛАРИ

Қашқадарё вилояти Қамаш туманида "Ёшлар ойлиги" доирасида бир қатор тадбирлар амалга оширилди.


Хусусан, "Yoshlar – kelajagimiz" жамғармасидан 150 миллион сўм имтиёзли кредит олган ёш тадбиркор Отабек Меҳимов "Ўзбекистон" маҳалла фуқаролар йиғини марказида "Меҳимов Отабек Абдихалилович" хусусий корхонаси фаолиятини йўлга қўйди. Корхона автомобилларга техник хизмат кўрсатиш ва алюминий профили ромлар ишлаб чиқариш йўналишида фаолият кўрсатади. Лойиҳа доирасида 6 нафар ёш доимий иш билан таъминланди. Бундан ташқари, тадбиркор маҳалла ёшлари учун сунъий қопламали спорт майдони барпо этди.

(Давоми 4-саҳифада)

"Туронбанк" акциядорлик тижорат банки бугунги кунда 20 та филиали ва 38 та мини-банк орқали мамлакатимизнинг барча ҳудудларида юридик ва жисмоний шахсларга кенг кўламли хизматлар кўрсатмоқда. Кейинги йилларда банк "Замонавий менежмент" услубида ва аниқ белгиланган стратегия асосида иш юритиши унинг салмоқли натижаларни қўлга киритишига омил бўлмоқда.

ХИЗМАТЛАР

"ТУРОНБАНК" ХАЛҚАРО КАРТАЛАРИДАН КЕНГ ИМКОНИАТЛАР



Бу жараёнда банк томонидан мижозларга тезкор ва қулай хизматлар кўламини кенгайтириш мақсадида чакана хизматлар жозибadorлигига алоҳида эътибор қаратилмоқда. Айниқса, пластик карточкалар оммабopлигини ошириш мақсадида мижозларга турли ечимлардаги карталарни таклиф этаётгани ўз самарасини бермоқда. Натижада мижозларнинг ҳам "Туронбанк" АТБнинг хорижий валютадаги пластик карталарига бўлган қизиқиши тобора ортиб бораётди.

(Давоми 5-саҳифада)

"ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК" ОМОНАТЧИЛАРИ СОНИ ОРТМОҚДА

ТАДБИР

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида АТБ "Қишлоқ Қурилиш банк" томонидан "Жисмоний ва юридик шахсларга таклиф этилаётган омонат турлари, шартлари ҳамда банкнинг инвестициявий фаолигини оширишда жалб этилаётган омонатларнинг ўрни" мавзусида матбуот анжумани ташкил этилди.



Тадбирда "Қишлоқ қурилиш банк" Чакана хизматлар департаменти директори Азамат Атажанов ҳамда Банк омонатларини бошқариш бошқармаси бошлиғи Музаффар Холматов банк томонидан аҳолининг бўш пул маблағларини банкдаги омонатларга жалб қилиш ва уларнинг барқарор даромадлигини таъминлаш ва банкнинг манфаатларини уйғунлаштиришга қаратилган ишлар хусусида маълумот берди.

– Банкимиз томонидан 26 та омонат турларига маблағлар жалб этилган бўлиб, шу-

лардан 19 таси миллий валютада, қолган 7 таси хорижий валютадаги омонат турларидир. Жорий йилнинг ўтган 5 ойи давомида мазкур омонатларга жалб қилинган мижозлар сони 98 800 тадан 104 600 га етди, яъни омонатчилар сони 5 800 тага ўсиб, омонатлардаги маблағлар қолдиги 610,1 млрд. сўмдан ортди, – дейди Музаффар Холматов. – Аҳолининг банкдаги омонатларда қолдиги йил бошига нисбатан 64,7 млрд. сўмга ёки 112 % га етди.

(Давоми 2-саҳифада)



"ХАЛҚ СЎҒ'УРТА"НИНГ
МАКРО ЮТУҚЛАРИ

→ 3



1 ИЮЛДАН НИМАЛАР
ЎЗГАРАДИ?

→ 7



ХИТОЙДА НАҚД
ПУЛ ЭСКИЛИК
САРҚИТИМИ?

→ 8

БАНК МАРКАЗЛАРИ ИШ БОШЛАДИ

(Бошланиши 1-саҳифада)

Мазкур хизмат кўрсатиш марказлари аҳолига ва тадбиркорларга юқори сифатли банк хизматларини кўрсатиб, банк миқозларига қўшимча қулайликлар яратиши баробарида янги турдаги банк маҳсулотларини ҳам тақдим этади. Айниқса марказларнинг турли ҳудудларда ташкил этилгани аҳолига қатор энгилликларни яратади.

Кунига юзлаб миқозга хизмат кўрсатиш имкониятига эга мини-банкларда коммунал тўловлар, омонат операциялари, тезкор пул ўтказмалари, кредитни расмийлаштириш, миллий ва хорижий пластик карточкаларни олиш,



валюта айирбошлаш каби бир қатор хизматлар кўрсатилади.

Бугунги кунда "Ўзмилийбанк" тизимида 41 та хизмат кўрсатиш марказлари (мини-банк) самарали фаолият юритиб келаётган бўлса, жорий йил якунига қадар Қорақалпоғистон Республикаси ва вилоятларимиз бўйлаб 19 та, Тошкент шаҳар ҳудудида 6 та хизмат кўрсатиш марказлари очилиши режалаштирилган.

Ушбу марказлар ўзининг замонавийлиги, қулайлиги ва тезкорлиги билан аҳолининг банк ва молиявий эҳтиёжларини тез ва самарали амалга оширади.

Умида ХУДОЙБЕРГАНОВА



"ИПАК ЙЎЛИ"

БАНКИНИНГ МАСОФАВИЙ ОФИСЛАРИ

Яқинда "Ипак йўли" АИТБнинг Миробод туманида янги "Марказ" банк офисининг тантанали очилиш маросими бўлиб ўтди. Унда Тошкент шаҳар Миробод туман ҳокимлиги вакиллари, банк бошқаруви аъзолари, банк миқозлари ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.



Тадбирда йиғилганларга "Ипак йўли" банкининг фаолияти ва янги масофавий офислари хусусиятлари ҳамда янги "Марказ" хизмат кўрсатиш офисининг имкониятлари ҳақида батафсил маълумот берилди.

– Миқозларга юқори технологияли хизмат кўрсатувчи марказнинг очилиши биз учун муҳим аҳамиятга эга, – дейди "Ипак йўли" АИТБ Бошқарув раисининг ўринбосари Даврон Миртурсунов. – "Ипак йўли" банки ўз миқозларига энг замонавий ва сифатли молиявий хизматларни кўрсатишга ва ўз офислари тармоғини янада кенгайтиришга интилоқда. Мазкур янги форматдаги офис тадбиркорларга, шаҳар аҳолиси ва меҳмонларига


намунали хизмат кўрсатиб, уларга янада рақобатбардош ва фойдали таклифларни беради. Бундай марказлар бизни миқозлар билан, айниқса, одадий иш вақтида банкка келолмайдиган миқозлар билан янада яқинлаштиради.

– Янги форматдаги масофавий офислар сонини келгусида янада оширишга ва бу офис-

лар аҳолига юқори сифатли хизмат кўрсатишни таъминлаш имконини беришига умид қиламиз, – дейди "Ипак йўли" АИТБнинг Чакана савдо департаменти бошлиғи Улуғбек Таваккалов. – Миқозларга хизмат кўрсатишнинг ягона тармоғи тажриба алмашиш, хизмат кўрсатиш, маҳсулот ва технологиялар тоифаларининг тузилмаси кўпайишига имкон беради. Шунингдек, марказнинг ўзига хос томони узайтирилган иш кунидир. Яъни масофавий офис иш кунлари соат 20:00 га қадар ишлайди, миқозларга тезкор хизмат кўрсатади, уларга карталар қисқа вақт ичида чиқариб берилди ҳамда карталарни индивидуал дизайнда чиқариш йўлга қўйилди. Шунингдек, марказда, бизнес ва аҳолини кредитлаш амалиётлари ҳам бажарилади.

Мазкур янги офиснинг ишга туширилиши "Ипак йўли" банкининг замон билан ҳамнафас қадам ташлаётганидан далолат беради.

finance.uz



ХУШХАБАР

ТАЙИНЛОВ

Ҳукумат қарори билан Эркин Эркамович Рустамов Вазирлар Маҳкамаси Макроиктисодий таҳлил, таркибий ўзгартаришлар, молия-банк тизими ва хусусий тадбиркорлик масалалари котибияти мудирининг ўринбосари этиб тайинланди. Бу ҳақда "Ҳуқуқий ахборот" канали хабар қилган.

Эслатиб ўтамиз, давлат бошқаруви тизимига жумладан, стратегик режалаштириш ва прогнозлаштиришнинг замонавий шакллари, усуллари ва принципларини жорий қилиш Котибиятнинг асосий вазифаларидан бири ҳисобланади.

Халиков Рустам Бахтиёрович "Ўзбекинвест" экспорт-импорт миллий сугурта компанияси директорлар Кенгашининг 2019 йил 20 июндаги йиғилиши баёнига мувофиқ "Ўзбекинвест" ЗИМСК бош директорининг экспорт олди ва экспорт сугуртаси масалалари бўйича биринчи ўринбосари лавозимига тайинланди. Бу ҳақда "Ўзбекинвест" ЗИМСК ахборот хизмати маълум қилган.

Таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 майдаги 4337-сонли "Экспорт фаолиятини молиялаштириш ва сугурта ҳимояси механизмларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига мувофиқ компания тузилмасида бош директорининг биринчи ўринбосари лавозими жорий этилган эди.

Бош директорнинг биринчи ўринбосари хизмат вазифаси экспортни сугурталаш орқали қўллаб-қувватлаш бўйича компания фаолиятини мувофиқлаштиришни ўз ичига олади.

Рустам Халиков шу пайтга қадар "Халқ сугурта" сугурта компанияси бош директори лавозимида ишлаган.

"ИПОТЕКА-БАНК"КА "QA2" ИНДЕКСИ ГУВОҲНОМАСИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрациясининг тижорат банкларида миқозларга хизмат кўрсатиш сифатининг мунтазам рейтингини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш бўйича топшириғи ижроси юзасидан "Ahhor-reyting" рейтинг агентлиги томонидан "Тижорат банклари миқозларига хизмат кўрсатиш сифатининг индивидуал рейтингини аниқлаш методикаси" ишлаб чиқилди.



Ушбу методикага мувофиқ ва "Ипотека-банк" АИТБ билан тузилган "Тижорат банклари томонидан миқозларга хизмат кўрсатиш сифатининг индивидуал рейтингини бериш бўйича хизматлар кўрсатиш тўғрисида"ги шартнома асосида Агентлик томонидан миқозларга хизмат кўрсатиш сифатининг индивидуал рейтингини аниқлаш мақсадида тадқиқотлар ўтказилди.

Тадқиқотлар банкнинг филиалларига аноним ташириф буюриш, миқозларнинг сўровномалари ва бош офисдан олинган таҳлилий материалларни батафсил таҳлил қилиш орқали амалга оширилди.

"Ипотека-банк" Бош офисига, филиалларига ташириф буюриш, миқозлар сўрови ва банк ходимлари билан суҳбат ҳамда олинган таҳлилий материалларни таҳлил қилиш банк ва унинг филиаллари банк хизматлари сифатининг замонавий талабларига жавоб беришини тасдиқлади.

"Ипотека-банк" АИТБда ўтказилган тадқиқот натижаларига кўра банк 85 балл тўплади ва банк раҳбариятига "Ahhor-reyting" рейтинг агентлиги томонидан 2019 йил 12 июндаги "QA2" индексини бериш тўғрисидаги гувоҳнома топширилди.

“XALQ SUG'URTA”НИНГ МАКРО ЮТУҚЛАРИ



АНЖУМАН

Юртимиз суғурта бозорида энг арзон суғурта полисини “XALQ SUG'URTA” суғурта компанияси тақдим этаётган бўлса ажаб эмас. Компания “M-CARD”, яъни тўлов карта эгаларини суғурталаш бўйича суғурта маҳсулотини жорий қилган бўлиб, унинг суғурта нархи 3 ойга 1000 сўм, 6 ойга 1900 сўм, 12 ойга эса 3600 сўмни ташкил этади. Суғурта жавобгарлиги эса бир миллион сўмдан ошиқ. Бундай арзон хизмат ҳар қандай кишини беэтибор қолдирмайди. Шу боис, ҳозирда бундай суғурта полисини харид қилганлар сони етти ярим мингдан ошган.

Маълумки, “XALQ SUG'URTA” суғурта компанияси микро суғурта хизматларини кўрсатиш мақсадида 2011 йил AT Халқ банки таъсисчилигида ташкил этилган бўлиб, бугунга келиб, унинг эришган натижалари макро суғурта компанияларникидан қолишмаётир. Шу боис, компания шу йиллар давомида суғурта бозорида ўзининг рақобатбардошлигини исботлаб, йилдан-йилга молия-

вий кўрсаткичларини яхшилаб бормоқда.

Ўзбекистон Миллий матбуот марказида “Халқ банки тасарруфидаги “XALQ SUG'URTA” компанияси томонидан “Юридик ва жисмоний шахсларга тақдим қилинаётган замонавий суғурта турлари” мавзусидаги матбуот анжумани айнан компания фаолиятига бағишланди. Унда компания раҳбарияти ҳамда ОАВ вакиллари иштирок этди.

Компания умумий суғурта соҳасида 17 класс доирасида ихтиёрий ва мажбурий суғурта тури бўйича суғурта хизматларини кўрсатиб келмоқда, – дейди компания директори ўринбосари Абдулазиз Халилов. – Жорий йилнинг 1 июнь ҳолатига кўра, компания томонидан йиғилган суғурта мукофотлари ҳажми 19,9 млрд. сўмни ташкил этиб, шундан 8,1 млрд. сўм юридик ва жисмоний шахсларнинг мол-мулкни суғурталаш, 7,1 млрд. сўм юридик ва жисмоний шахсларнинг транспорт воситаларини суғурталаш, 520 млн. сўм жисмоний шахсларни бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш ва 4,2 млрд. сўм кредит қайтмаслик хатарини суғурталаш ва бошқа суғурта турлари ҳисобига тўғри келди.

Сўнгги йилларда суғурта турларини ривожлантириш, суғурта хизматлари сифатини яхшилаш, янги

суғурта маҳсулотларини ишлаб чиқиш, аҳолининг кенг қатламига суғурта ҳимоясини тақдим этиш, суғурталовчиларнинг молиявий барқарорлигини таъминлаш ҳамда суғурталашни тартибга солиш услубларини такомиллаштириш масалалари юзасидан кенг қамровли ишлар амалга оширилмоқда. Бу масалада “XALQ SUG'URTA” томонидан аҳолининг барча қатлами учун тушунарли бўлган, соддалаштирилган суғурта шартларини ўз ичига олган ва энг асосийси, аҳоли учун қулай нархларни қамраб олган суғурта маҳсулотлари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилмоқда. Жумладан, “Автотаянч”, “Мигрант” суғуртаси, “Жисмоний шахсларни бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш (географик ҳудуд)” ва “Шинам уй” каби бир қатор суғурта турлари шулар сирасидандир.


Биргина “Жисмоний шахсларни бахтсиз ҳодисалардан суғурталаш (географик ҳудуд)” суғурта маҳсулоти бўйича бугунги кунда 85 мингдан ортиқ суғурта полислари сотилгани ҳам унинг фуқаролар учун қулайлигидан далолат беради. Бу полисда суғурталанган фуқаро чет элда бахтсиз ҳодиса натижасида меҳнат қobiliятини йўқотганда ёки вафот этганда уни Ўзбекистонга қайтариш билан боғлиқ бўлган барча харажатлар, шунингдек, соғлиғини тиклаш харажатлари суғурта пули доирасида суғурта компанияси томонидан тўлаб берилади.

Анжуман давомида компаниянинг янги суғурта маҳсулотлари ҳақида ҳам батафсил маълумотлар берилди.

(Бошланиши 1-саҳифада)

Маълумотларга кўра, банкнинг узоқ муддатли (1 йилдан ортиқ сақланадиган) омонатлар қолдиғи 2019 йилнинг 1 июнь ҳолатида қарийб 293,0 млрд. сўмни ташкил этиб, қисқа муддатда, яъни 2018 йил бошига нисбатан 276,0 млрд. сўмга ортган. Бу аҳоли “Қишлоқ қурилиш банк” филиалларига узоқ муддатларга бўш пул маблағларини жадал жойлаштираётганидан далолатдир. Унга мос равишда банк ҳам ўз хизматларининг жозибадорлиги ва қулайлигини тобора ошириб бормоқда.

Жумладан, банк филиалларида муддатли ва жамғармали омонатга минимал миқдордан юқори маблағ жойлаштирган омонатчиға банк пластик карталари бепул тақдим қилинмоқда. Шунингдек, банк омонатчиларининг омонатлардаги маблағларини уларнинг шахсий мобил алоқа воситасида масофадан бошқариш имкониятини берувчи “Депозит банкинг” хизматига уланиш ва фойдала-



“ҚИШЛОҚ ҚУРИЛИШ БАНК” ОМОНАТЧИЛАРИ СОНИ ОРТМОҚДА

ниш ҳам омонатчиларга бепул белгиланган, ушбу масофавий дастур орқали жойлаштирилган омонатларга шартнома суммасидан 1% юқори тўлов амалга оширилиши ҳам йўлга қўйилган. Қолаверса, аҳолининг омонатлардаги маблағлари ишончли ва хавфсиз сақланишини таъминлаш мақсадида банк томонидан қўшимча равишда “Биометрик идентификациялаш” тизими (бармоқ изи орқали) жорий қилинган.

– Бу ўз навбатида, омонатнинг хавфсизлигини таъминлашда муҳим роль ўйнайди, – дейди банк бошқарма бошлиғи Шухрат Орипов. – Чунки омонат эгасидан бошқа шахс уни олиш ёки назорат қилиш имконига эга бўлмайди. Албатта, бу амалиёт бежизга қилинаётгани йўқ. Чунки иш фаолиятимиз давомида турмуш ўртоғи қўйган омонат маблағини аёли олиб, кейин тушунмовчиликлар юзга келган ҳолатлар аввал-

лари учраган. Ҳатто куёвининг омонатини сўраб келган қайноналар ҳам бўлган. Бундай вазиятлар турли муаммоларни келтириб чиқариши ҳеч гап эмас. Шу боис, банкимиз томонидан аҳоли омонатларини хавфсиз сақлаш бўйича жиддий чоралар кўрилмоқда.

Тадбир давомида журналистлар томонидан банк мухтаassisларига кўплаб саволлар берилди. Жумладан, “Агар шахс вафот этса, унинг омонат маблағи кимга

қолади?” деган саволга М.Холматов шундай жавоб берди:

– Албатта, бу каби ҳолатлар учраб туради. Яъни киши тўсатдан оламдан ўтиши, хорижга кетиши мумкин ёки турли сабаблар билан банкдаги омонат маблағини назорат қила олмай қолади. Бу жараёнда аввало, шахснинг яқинларига омонат ҳақида хабар берилди ва кейинги ўринларда қонуний асосда уларга маблағни қайтариш чоралари кўрилади.

(Бошланиши 1-саҳифада)

Ойлик доирасида "Yoshlar – kelajagimiz" жамғармасидан имтиёзли кредит олиб, ўз тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйган ёш тадбиркорларнинг савдо ярмаркаси ташкил этилди. Унда бизнес субъектлари ўз маҳсулот ва хизматларини намойиш этди.

Кейинги тадбирда тумандаги 4-Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари ҳолидан хабар олиниб, уларга ёш фермерлар томонидан полиз ва мева маҳсулотлари улашилди. Ёшлар иттифоқи масъул ходимлари тарбияланувчилар билан дилдан суҳбат курди.

ЎЗА материали асосида

"YOSHLAR – KELAJAGIMIZ" ЖАМҒАРМАСИНИНГ САМАРАЛИ ЛОЙИҲАЛАРИ



Реклама



XALQ BANKI

**Акциядорлик тижорат Халқ банки жамоаси
27 июнь — матбуот ва оммавий ахборот
воситалари ходимлари куни билан соҳа
фидоийларини самимий
муборакбод этади.**

**Юртдошларимизни ҳолис ва ҳаққоний ахборот билан
таъминлашдек масъулиятли, заҳматли ишларингизда
Сизларни куч-гайрат ҳеч қачон тарк этмасин!**

**Шунингдек, Халқ банки юртдошларимизга
Ўзбекистонда биринчи бўлиб жорий этилган
Кредит карта хизматини
таклиф этади.**

КРЕДИТ КАРТА

Имтиёзли давр 30 кун (ҳар ойда)

Йиллик фоиз ставкаси 36%

Имтиёзли даврда фоиз ставкаси 0%

Кредит линияси 5 йил муддатга очиқ линия

Кредит миқдори 5 000 000 сўмгача

(+998 78) 120-17-70
(+998 78) 120-17-72

web site: www.xb.uz
e-mail: info@xb.uz

*Орзулар рўёба
айланган фўрсаат!*



www.xb.uz

info@xb.uz

(0371) 200-00-55

ХУДУДЛАРДАН ДАРАКЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги "Банк хизматлари оммабоплигини ошириш бўйича чора-тадбирлари тўғрисида"ги, шунингдек, 2019 йил 7 мартдаги "Худудларда аҳолини тадбиркорликка кенг жалб қилиш ва оилавий тадбиркорликни ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорлари ижросини таъминлаш бўйича АТБ "Асака" банк Фарғона вилояти филиали томонидан қатор ишлар амалга оширилмоқда.

ЯНГИ ЛОЙИҲА – ЯНГИ ИШ ЎРНИДИР

Буни замонавий банк хизматларини йўлга қўйилиши, илғор банк технологиялари ва мослашувчан тарифларнинг қўлланилиши, ҳар бир йўналишлардаги бизнеснинг ўзига хос хусусиятлари инобатга олиниб, иш юритилиши натижасида мижозлар сонининг ошиб боришида ҳам кўриш мумкин.

– Филиал жамоаси томонидан "Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили" Давлат дастури доирасида қатор инвестициявий лойиҳалар амалга оширилди, – дейди биз билан суҳбатда АТБ "Асака" банк Фарғона вилоят филиали бошқарувчиси ўринбосари Зафаржон Қорабоев.

Банк филиали томонидан "LISTEM-FERGANA" МЧЖ шаклидаги Ўзбекистон - Корея қўшма корхонасига рентген аппарати ишлаб чиқариш ва йиғишни ташкил этиш учун 410 580 АҚШ доллари миқдоридаги кредит ажратилиб, инвестициявий лойиҳа амалга оширилди. Корхона йилига 300 донга замонавий рентген аппаратлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Мазкур корхонанинг ишга тушиши 35 нафар ёшларни иш билан таъминланишига замин яратди.

Шунингдек, банк филиали томонидан Фарғона шаҳрида фаолият кўрсатувчи "Гул ифторбегим" оилавий корхонасига "Ҳар бир оила – тадбиркор" давлат дастури доирасида имтиёзли пул маблағлари ҳисобидан йилига 10000 кишига хизмат кўрсатишга мўлжалланган меҳмонхона хизматини ташкил қилиш учун 200 млн. сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди. Айни кунда меҳмонхонани бунёд этиш ишлари давом этмоқда. Агар мазкур лойиҳа ҳам тўлиқ амалга ошса, яна ўнлаб янги иш ўринлари яратилади.

Шу билан бирга тармоқларни кредитлаш бўйича ушбу филиал томонидан кичик бизнес субъектлариغا мунтазам кредит маблағлари ажратилиб борилмоқда.

Қисқаси, АТБ "Асака" банк Фарғона вилоят филиали вилоятнинг туман ва қишлоқларида янги иш ўринлари яратиш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш, аҳолига сифатли банк хизматлари кўрсатиш билан халқнинг турмуш даражасини яхшилашга ўз ҳиссасини қўшмоқда.

Ҳамдам АМИНОВ

“ТУРОНБАНК” ХАЛҚАРО КАРТАЛАРИДАН КЕНГ ИМКОНИАТЛАР



(Бошланиши 1-саҳифада)

Жумладан, банкнинг жорий йил бошидан “Mastercard” халқаро пластик карталарини тўлақонли эмиссия қилиш бошланган бўлиб, шу кунга қадар 13 200 та карта ўз эгаларига топширилган.

Мазкур карталарнинг ўзига хос хусусияти шундаки, у дунё стандартларига тўлиқ жавоб бериб, NFC (контактсиз алоқа) тизимида ишлаши билан бошқа карталардан ажралиб туради. Шунингдек, “Mastercard” карталари орқали дунёнинг исталган ҳудудида тўловларни амалга ошириш ёки банкоматлар орқали хорижий валютани нақдлаштириш ва интернет орқали тўловларни хавфсиз амалга ошириш имкониятлари яратилган. Бу эса мижозларнинг мазкур карталарга бўлган қизиқишини яна ҳам оширишга сабаб бўлаётир.

Ҳозирги кунда банкда икки турдаги “Mastercard” карталари мавжуд бўлиб, булар – “Mastercard Standard” ва “Mastercard Gold” карталаридир.

Мазкур карталарга “MyTuron” иловаси орқали чекланмаган миқдорда хорижий валюта сотиб олиш имконияти мавжуд. Бундан ташқари, “Туронбанк” АТБнинг барча виллоятлар ва Тошкент шаҳрида жойлашган филиалларидаги терминаллар, ёхуд 24/7 режимида ишловчи пунктларида жойлашган банкоматлари орқали нақд хорижий валютани ечиб олиш имконияти яратилган.

Шу билан бирга, “Mastercard” карталари оммабоплигини ошириш, мижозларга мазкур карталарнинг кенг имкониятларини етказиб бериш мақсадида “Mastercard Europe S.A.” компанияси билан ҳамкорликда акциялар ташкиллаштирилмоқда. Мазкур акциялар доирасида 90 дан зиёд мижозларга ҳар хил турдаги махсус совғалар ҳамда 7 000 га яқин мижозларга бепул Mastercard карталари очиб берилди. Ҳозирда асосий совға “Нексия III” енгил автомобили ўз эгасини кутмоқда. Келажакда “Mastercard Europe S.A.” компанияси билан ҳамкорликда кўплаб шу турдаги акциялар ўтказиш режалаштирилган.

Шунингдек, “Туронбанк” АТБ “Visa Classic”, “Visa Gold”, корпоратив мижозлар учун “Visa Business” карталари ҳамда миллий валютадаги “Humo” ва “UzCard” карталарини таклиф этаётирки, бу ҳам ўз навбатида, мижозларни бефарқ қолдираётгани йўқ.

Мамлакатимизда изчил ишловлар олиб борилаётган айни вақтда “Туронбанк” АТБ барқарор ривожланишда давом этиб, мижозлар манфаатига мос тезкор, замонавий ахборот-коммуникация технологияларига асосланган янги хизмат турларини таклиф этиш каби амалга ошираётган ишлари билан давлатимиз иқтисодиётини янада мустаҳкамлашда ўз ҳиссасини қўшиб бормоқда.

Банк ахборот хизмати

БЕПУЛ КАРТАЛАРГА ЭГА БЎЛИНГ!

Энди VISA картасини АТ “Алоқабанк”да мутлақо бепул очиш имконияти пайдо бўлди. Агар мижоз “Алоқабанк”дан илк маротаба VISA картасини олаётган бўлса, у бепул тақдим этилади.



Фақат мижоз 10 АҚШ доллари депозит тўлдириши лозим. Шундан сўнг мижоз картани хизмат ҳамда харидлар учун бемалол ишлатиши мумкин.

MB Madad Invest Bank
YUKSAK TARAQQIYOT SARI

“Ahbor-Reyting”

рейтинг агентлиги томонидан
“Мадад Инвест Банк” АТБнинг
мижозларга сифатли хизмат
кўрсатиш даражаси ўрганилиб

QB1

мақомида баҳоланди ҳамда

2019 йил 20 июнда

ЎРТА ЗАМОНАВИЙ

рейтинги сертификати тақдим
этилди.

ХУШХАБАР

ХАЛҚ БАНКИДАН “РЕЖАЛИ ТЎЛОВ”

Энди Халқ банки кредит карталари билан банк томонидан ажратилган кредит лимити доирасида товар ва хизматлар учун тўловларни амалга ошириши мумкин. Шунингдек, кредит карта эгаси белгиланган лимит доирасида исталган савдо шохобчасидан тўловларни амалга ошириб, банкоматлардан нақд пул ечиш имконига эга.

Кредит картаси унинг сақловчисига банк томонидан белгиланган кредит лимити доирасидаги маблағлардан имтиёзли даврда (имтиёзли давр 30 кун) фоизсиз фойдаланиш имконини беради.

Имтиёзли даврда фойдаланилган кредит қарздорлиги тўлиқ қопланганда, кредит карта лимити қайта янгиланади ҳамда мижозда ушбу маблағлардан имтиёзли давр билан қайта фойдаланиш имконини беради.

Кредит картаси 5 йил муддатга очик кредит линияси билан берилади.

Шунингдек, Халқ банки мижозларни энди “Режали тўлов” (Рас-срочка) кобрендинг картаси билан банкнинг ҳамкор ташкилотлари бўлган ROISON ва TEXNOMART фирмаларининг Ўзбекистондаги

барча дўконларидан банк томонидан ажратилган лимит доирасида товар ва хизматларни сотиб олиши мумкин.

Энг асосийси фоизсиз тўлов эвазига. Яъни “Режали тўлов” карталари билан 6 ой муддат ичида банкка қарз маблағларини фоизсиз, тўлов графигига асосан бўлиб тўлаш имкони мавжуд.

Шунингдек, карта унинг сақловчисига ҳамкор ташкилотлардан банк томонидан белгиланган қарз маблағлари доирасида истеъмол товарлари ва хизматларни сотиб олиш имконини беради.

Бундан ташқари, банк томонидан бошқа савдо ташкилотлари билан ҳам музокара олиб борилаётган. Яқин кунларда ҳамкор ташкилотлар сони янада ортиши кутилмоқда.

finance.uz

КРЕДИТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ ВА УЛАРНИНГ ҲИСОБИНИ ЮРИТИШНИНГ ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ

(Бошланиши 20.06.2019 йилдаги 25-сонда)

Банк ўзининг кредит ва ҳисоб сифатига мувофиқ, балансдан чиқарилган фоизларни алоҳида, фоизлари балансдан чиқарилгандан кейин ҳисобланган фоизларни алоҳида, балансдаги ва КТВҲга олинган кредитларнинг фоизларини алоҳида ҳисобрақамларда юритиши мумкин. Марказий банк тасдиқлаган ҳисобрақамлар режасида алоҳида ҳисобрақам кўзда тутилиши шарт эмас, банк электрон ахборот базасида белгилар киритиши етарли.

Мавриди келганда шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, фоизлар КТВҲдан кенгаши қарори асосида чиқарилиши тўғрисидаги қатъий тартиб амалиётга киритилиши лозим. Банк кенгаши, ички аудит хизмати, бош банкдаги бухгалтерия ҳисоби, кредитлаш ва кредит мониторинги билан шуғулланувчи бўлинмалар кредит фоизларининг балансдан чиқарилиб, КТВҲга олиниши ҳамда ундан бутунлай чиқарилишини қаттиқ назоратга олишлари лозим. Акс ҳолда, амалда уларнинг ҳисоби атайин камайтирилиши ёки совуққонлик оқибатида йўқолишига шароит яратилиши мумкин. Бундан манфаатдор шахслар ҳамма вақт топилади.

Ҳисобрақамлар режасида кўрсатилганидек, "таҳлилий ҳисоб ҳар бир қарздор бўйича кредит шартномаларига қараб..." ибораси "аналитик ҳисоб ҳар бир кредит шартномасига очилган алоҳида ҳисобрақамда олиб борилади (ҳисобрақам қарздорнинг номига очилади)" иборасига алмаштирилса мақсадга мувофиқ ва яна ҳам тушунарли бўлар эди.

Муддати узайтирилган фоизлар ҳисоби 91503-"Берилган кредитлар ва лизинглар бўйича муддати узайтирилган фоизлар" КТВҲда юритилиши кўзда тутилган. Унда ҳукумат қарорига мувофиқ муддатли кредитлар ва лизингларга ҳисобланган, лекин олинмаган фоизлар ҳисоби олиб борилиши кўзда тутилган. Бироқ, тижорат банклари нафақат ҳукумат қарори асосида, балки, банк қарори билан кредитнинг фоизини тўлашнинг муддатини узайтириши мумкин. Бу амалиётда учрайдиган ҳолат.

Бугунги амалиётда тижорат банкларида ҳорижий ҳамда маҳаллий фондлар, банклар ва бошқа ташкилотлар шартнома асосида кредит линиялари очадилар. Натижада банкда кредит олиш мажбурияти вужудга келади. Бу шартномавий мажбурият суммаси Бош банкнинг маблағлар жалб қилиш ва уларни бошқариш билан шуғулланувчи бўлинмасининг фармойиши асосида 91816-"Банкнинг кредит ва лизинг олиш мажбурияти" КТВҲда акс эттирилади. Бу ҳисобрақам маълумотлари банк учун ўзига хос эслатма бўлиб хизмат қилади. Очилган кредит линиясига банк фоиз тўлайди, бу маблағлардан ўз вақтида самарали фойдаланиши зарур, яъни бу маблағларни банк шунчаки вакиллик ҳисобрақамини сақламасдан, уларни даромад келтирувчи активларга жойлаштириб даромад олиши лозим.

Амалиётда эса бу ҳисобрақамга

мажбуриятлар тўлиқ кирим қилинмаслиги оқибатида банк ҳамма вақт ҳам очилган кредит линияларидан самарали фойдаланмайди. Бу масалани шунингдек, ички аудит хизмати чуқур кўриб чиқмаслиги сир эмас. Бундан ташқари, банкларда кредит линияларининг ишлатилишини назорат қилиш ва ушбу ҳисобрақамга кирим қилишнинг тартиби ишлаб чиқиши лозим.

Кредит олиш мажбурияти қабул қилинганда 91816-"Банкнинг кредит ва лизинг олиш мажбурияти" КТВҲ дебетланиб, 96358-"Банкнинг кредит олиш мажбурияти бўйича контр-ҳисобварақ" кредитланади. Кредит линияси бўйича кредитор олдидаги кредит олиш мажбурияти ижро қилинган ёки шартнома бекор қилинганда 96358-ҳисобрақам дебетланиб, 91816-ҳисобрақам кредитланади.

Ҳисобрақамлар режасида кўрсатилганидек, "таҳлилий ҳисоб мажбуриятлар тури бўйича" эмас, балки аналитик ҳисоб ҳар бир кредит линиясини очиш тўғрисидаги шартномага очилган алоҳида ҳисобрақамда олиб борилиши лозим (ҳисобрақам кредиторнинг номига очилади).

Банкда нафақат кредит олиш, балки кредит олиш мажбурияти ҳам бўлиши мумкин. Бундай мажбурият қарздорлар билан тузилган очиқ линияли кредит шартномасига мувофиқ вужудга келади. Бош банк кредит бўлинмасининг фармойишига мувофиқ, очиқ линияли кредит шартномаси суммасига 91809-"Банкнинг кредит ва лизинг бериш мажбурияти" КТВҲ дебетланиб, 96351-"Банкнинг кредит бериш мажбурияти бўйича контр-ҳисобварақ" кредитланади. Кредит бериш мажбурияти суммаси бажарилиши ёки бекор қилинунига қадар 91809-"Банкнинг кредит ва лизинг бериш мажбурияти" КТВҲ дебетида, 96351-"Банкнинг кредит бериш мажбурияти бўйича контр-ҳисобварақ"нинг кредитида акс этиб туради. Ушбу ҳисобрақам маълумотлари ҳам банкка миқдор олдида кредит бериш мажбурияти мавжудлигини, у тўлов топшириқномаси тақдим этган тақдирда зарур маблағлар банкда тайёр бўлиши кераклигини кўрсатиб туради.

Мижозга кредит бериш мажбурияти ижро этилганда ёки бекор қилинганда 96351-"Банкнинг кредит бериш мажбурияти бўйича контр-ҳисобварақ" дебетланиб, 91809-"Банкнинг кредит ва лизинг олиш мажбурияти" КТВҲи кредитланади. Аналитик ҳисоб эса ҳар бир шартномага очилган алоҳида ҳисобрақамда олиб борилиши лозим.

"Ўзбекистон Республикаси тижорат банкларида бухгалтерия ҳисоби ҳисобварақлари режаси"да аналитик ҳисобни таҳлилий ҳисоб деб таржима қилиш ёки қабул қилиш унчалик тўғри эмас, чунки, аналитик ҳисоб ибораси ҳисобнинг синтетик ҳисобдан бошқа бир тури сифатида келмокда.

КТВҲдаги кредит ва фоизлар қанча муддат туриши, бу ҳисобрақамдан чиқариш кимнинг ваколати эканлиги аниқ кўрсатилмаганлиги ҳам

муаммони чуқурлаштиради. Фикримизча КТВҲдаги кредит ва фоизларнинг ҳаракати устидан Бош банк ва Марказий банк назоратини кучайтириш керак.

Кейинги муаммо бу кредит шартномаларининг сони, суммаси ва динамикаси ҳамда кредит бўлинмалари ходимларининг сони ўртасидаги номуносиблик кредит мониторингига, оқибатда эса кредитлар сифатига, сўнгра ликвидлигига ҳам салбий таъсир қилади.

Яна бир муҳим масала бу 29800-ҳисобрақам орқали кредитлаш ва кредитни қайтариш операциясидир. Операция қанча шаффоф бўлса ходимларнинг тартиббузарлик қилиш ва айбланиш хавфи шунча камаёди. Раҳбар ва ходимларнинг маъмурий ва жиноий жавобгарликка тортилиши банк обрўсига жиддий зарар етказиши сир эмас.

Кредит операцияларининг бух-



галтерия ҳисобини юритиш тартибини ҳаддан ортиқ деталлаштириш ҳам ўзини оқламайди. Чунки, тижорат банкларининг ҳаракатини чеклаб қўяди, ноаниқликлар ва мунозаралар келтириб чиқаради. Кредит операциялари ҳисобини юритиш соҳасида "либерал" ва "консерватив" ёндашувда "олтин оралик"ни топа олишимиз лозим, яъни бу операциялар ҳисобини юритиш тартибини ўта аниқлаштириш, кўплаб чекловлар қўйиш ёки ортиқча эркинликлар бериш ҳам ярамайди. Масалан, муаммолари кредитларнинг ҳисоби борасида либераллик, муаммолари кредитларни ҳужжатларда ва банк ҳисобрақамларида яширишга шароит яратиш ўзини оқламайди, шартлари табиий ва адолатли ўзгартирилган кредитларни муаммолари кредитлар сирасига киритиш ҳам банкларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлади. Чунки миқдорга ён беришларнинг ҳаммаси ҳам унинг молиявий ҳолатининг ёмонлашганлигини, кредитда муаммо пайдо бўлганлигини аңлатмайди.

Айрим ҳолларда, аввал кредит ёки фоиз қайтарилиши масаласи тез-тез кўтарилиб туради, банк миқдорга ён бериб, аввал асосий қарзни ундирдик, шунинг учун унинг фоизлари қолди деган фикр (аниқроғи вақ) кўрсатади, агар Марказий банкнинг банк тизими барқарорлиги учун жавобгар эканлигини эътиборга олинса, Марказий банкнинг аввал фоизлар ундирилиши ҳақидаги талаби тўғри бўлиб чиқади. Ҳолбуки, Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 248-моддасида энг аввало фоизлар, кейин эса – қарзнинг асосий

суммаси тўланиши кўрсатилган. Демак бу борада либерализм ўзини оқламайди аниқ. Мамлакатимиз кредит қўйилмасида давлат банклари улуши юқорилигини ҳисобга олинса бу масаланинг долзарблиги янада ошади.

Бундан ташқари, миқдорларга кредитнинг асосий мақсадида қўшимча равишда суғурта тўловларини кредит ҳисобидан амалга ошириш ҳолларига бизнинг фикримизча ортиқча эътироз билдириш масаласида либерал бўлиш лозим. Агар банк, кредитнинг қайтишига ишонса нима учун бу мақсадни кредитламаслиги керак?

Банк тизими, тартибли ва тизимли равишда мамлакатнинг бошқа ҳудудларида филиал очмасдан ҳам ўша ҳудуддаги тадбиркорлик субъектлари ва аҳолини кредитлаш амалиётининг кириб келиши, филиалларнинг аҳамияти камайиши ҳолларига тайёргарлик кўриб бориш керак, чунки, бу ҳол амалиёт банк харажатларини қисқартиришга, кредит таҳлили ва кредитларнинг бухгалтерия ҳисобининг марказлашувида олиб келади. Шу билан бирга тижорат банкларининг ахборот технологияларида қилинадиган харажатлари кескин ошади.

Банк ички ҳужжатларида кредит операциялари бухгалтерия ҳисобини юритишда амалга оширилётган бухгалтерия ўтказмаси (проводка) учун масъулият кимга юклатилганлиги ноаниқ. Ташқаридан қараганда ҳамма нарса тушунарлидек, бироқ, ўтказмаларни амалга оширишда ташаббусчи бош бухгалтер эмас, кредитлар бўлинмалари бўлиши ҳисобга олинса, бу масаланинг очиқ қолаётганлиги янада ойдинлашади. Бу масала банкнинг ички кредит ва ҳисоб сиёсатида аниқ кўрсатилиши лозим.

Хулоса қилиб айтиладиган бўлса, кредит операцияларининг бухгалтерия ҳисобини тўғри ташкил этиш банк молиявий ҳолатини ва рискларни тўғри баҳолашга, банк электрон ахборот базасининг тўғри шаклланишига молиявий кўрсаткичлари ва ҳисобларнинг реаллигини таъминлашга хизмат қилади, провардиди унинг обрўсига зарар етишининг олдини олади.

Шу билан бирга банк электрон ахборот базаси тўғрисида айрим фикрларни ҳам билдирмоқчимиз. Айрим банкларда бош офис филиаллардан у ёки бу операциялар тўғрисида маълумот олиш ва филиаллар ички почта орқали уларни бериш билан овора бўлади. Бу нимани кўрсатади? Бу ушбу база маълумот олиш имконини бермаслигини, унга маълумотлар тўғри киритилмаслигини, ходимлар ундан тўғри фойдалана олмасликларини, маълумот олишни билмасликларини билдиради. Аксарият ҳолларда бўлинмалар ва ходимларга функциялар ҳамда базага кириш ҳуқуқи тўғри тақсимланмаганлиги оқибатида шундай ҳолатлар вужудга келади. Кредит операциялари ва уларнинг электрон базаси бири-бирига узвий боғлиқдир, бири иккинчисини тўлдириб, электрон назоратни амалга ошириб боради.

Нурали ХОЛМУРОДОВ,
Марказий банк кадрлар
билан ишлаш департаменти
ўқув бўлими бошлиғи

ХУШХАБАР

ЯГОНА ДИРЕКЦИЯЛАР ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Кичик sanoat zonalarini faoliyatini muvofiqlashtirish va boshqarishni takomillashtirish chora-tadbirlari tufarisidagi Prezident qarori qabul qilindi (PQ-4363, 21.06.2019 й.).

Qaror bilan Qoraqalpogiston Respublikasi, viloyatlar va Toshkent shahrida kichik sanoat zonalarini boshqarish bуйича ягона дирекциялар ташкил этилди.

Кичик sanoat zonalarini transport va muhandislik-kommunikatsiya infratuzilmasi mavjud eki utkazish oson bulgan faoliyat yuritmaetgan korxonalar negizida va qishloq xujjaligiga mujallanmagan boshqarish tashkil etiladi.

Кичик sanoat zonalarini дирекциялари 2022 йил 1 июнгача ер солиғи ва мол-мулк солиғидан озод қилинди.



СИРДАРЁ ВИЛОЯТИ ҚИШЛОҚ ХҲЖАЛИГИГА – ХОРИЖИЙ ИНВЕСТИЦИЯЛАР

У ерда таркибда целлюлоза мавжуд булган экинлар ва алмашлаб экишда қатнашадиган бошқа турдаги экинларни етиштириш ва қайта ишлаш билан шуғулланадиган агросаноат кластери ташкил этилади (ВМнинг 18.06.2019 йилдаги 511-сон қарори).

Агросаноат кластери Сирдарё вилоятида тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни жалб этиш ҳисобига ташкил этилади. Бунинг учун "RS Success Agro" МЧЖ ташкил этилди.



Кластернинг асосий вазифалари - илғор илмий ютуқларни, целлюлоза мавжуд булган экинлар ва бошқа қишлоқ хўжалиғи экинларини етиштиришнинг замонавий ва самарали услубларини, илғор агротехника ва сув тежамкор технологияларини, техник қаноп ҳамда зигир толаси ва уруғини қайта ишлашнинг самарали усулларини ва уларни чуқур қайта ишлаш технологияларини жорий этиш.

"Industrial Innovation Group" МЧЖ (БАА) ва "RS Success Agro" МЧЖ томонидан 2019 – 2023 йилларда амалга ошириладиган инвестиция лойиҳаларининг прогноз параметрлари тасдиқланди.

Ҳужжат Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида эълон қилинган ва 19.06.2019 йилдан қучга кирди.

norma.uz

1. Видеорегистраторлар далил йиғувчига айланади. Автотранспортдаги видеорегистраторларда қайд этилган ҳуқуқбузарлик эндиликда далил сифатида қабул қилинади ва Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексда белгиланган тартибда қўриб чиқилади.

1 июлдан ҳар қандай жамоат транспорти ва йўловчи ташиш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар учун автотранспорт воситаларига видеорегистраторлар ўрнатиш мажбурийдир.



Ҳуқуқбузарлик ҳолатлари тўғрисидаги видеоёзувларни юборган шахслар энг кам ойлик иш ҳақининг беш фоизи (ҳозирги кунда 10 136 сўм) миқдоридagi пул мукофоти билан рағбатлантирилади.

2. ИПХ ходимида видеокамера бўлиши шарт. ИПХ ходими хизмат вақтида мобил видеокамерадан фойдаланиши ва бу ҳақда йўл ҳаракати қатнашчиларига маълум қилиши шарт. Шунингдек, ноқонуний хатти-ҳаракатлар содир этилса, буни исботлаш учун ушбу видеоёзувдан фойдаланилиши ҳақида ҳайдовчини огоҳлантириши лозим.

Мобил видеокамераси бўлмаган ИПХ ходимига ҳайдовчи ҳужжатларни тақдим этмаслик ҳуқуқига эга.

3. Бепул тиббий хизмат чегараси аниқ бўлади. Вилоят ва туман (шаҳар) даражасидаги стационар соғлиқни сақлаш муассасаларида аралаш молиялаштириш тизими жорий этилади, бунда кафолатланган бепул тиббий хизмат ҳажмига кирмайдиган даволаш турлари пулли асосда амалга оширилади.

4. Айрим ерларни хусусийлаштириш имкони берилди. Юридик шахслар бино ва иншоотлари, sanoat infratuzilmasi объектлари жойлашган ерларини, жисмоний шахслар якка тартибда уй-жой қуриш ва турар жойга хизмат кўрсатиш учун ажратилган ерларини хусусийлаштириш ҳуқуқига эга бўлади.

5. Давлат мулкни ижарага бериш шаффоф бўлади. Давлат кўчмас мулк объектларини ижарага бериш бўйича савдолар "E-JRO AUCTION" электрон савдо майдончаси орқали амалга оширилади.

6. Мобил иловалардан таксометр сифатида фойдаланиш мумкин. Йўналишсиз таксилар учун талаб этиладиган тўлов терминаллари, ҳисоблагич-таксометрлар ва радиоалоқа воситалари функцияларини махсус иловалар орқали (уяли телефонлар, планшетлар, электрон тўлов тизимлари) амалга ошириш мумкин.

7. Кира қилиш учун машинани бўяш шарт эмас. Йўналишсиз таксиларнинг қонун ҳужжатларида талаб қилинган рангга мувофиқ ҳолга келтириш учун (вилоятларда сариқ ва Toshkent shahrida фил суяги ранги) ўзи елимланадиган материаллардан фойдаланишга йўл қўйилади, уларни бўяш шарт эмас.

1 ИЮЛДАН НИМАЛАР ЎЗГАРАДИ?

Йўналишсиз таксилар автобуслар учун ажратилган махсус ҳаракат йўналишида ҳаракатланиши ҳамда "Тўхташ тақиқланади" белгиси амал қилиш ҳудудига тўхташи мумкин.

Халқаро автомобилда ташишга хорижий/кўп томонлама рухсатномаларни олиш учун аризалар бир иш куни мобайнида қўриб чиқилади.


8. Имконияти чекланган фуқаролар учун диспетчерлик хизмати. Фавқулодда вазиятлар вазирлиги таркибида эшитиш ва нутқида муаммоси бўлган шахсларни ижтимоий қўллаб-қувватлаш диспетчерлик хизмати ташкил этилади.

Эшитиш ва нутқида муаммоси бўлган шахслар, шунингдек, уларнинг вакиллари томонидан техник воситалар (видео кўнғироқлар, матнли хабарлар, махсус дастурий таъминотдан фойдаланган ҳолда кўнғироқлар ва бошқалар) орқали бўладиган мунозабатларга шошилчан оператив хизматларнинг (101, 102, 103, 104, 1050) кечаю кундуз, тезкор жавоб беришларини таъминлаш диспетчерлик хизматининг асосий вазифаси ҳисобланади.

9. Заргарлик учун имкониятлар янада кенгайтирилади. Заргарлик бўйича лицензияси бўлган маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга ўзи ишлаб чиқарган заргарлик буюмларининг асиллик даражасини мустақил белгилаш ва уларга асиллик даражаси изларини қўйиш ҳуқуқи берилди.

Заргарлик буюмларини ишлаб чиқарувчи лицензияга эга якка тартибдаги тадбиркорлар ўз маҳсулотларини мустақил сотиши, аҳолидан қимматбаҳо металллар парчалари, қимматбаҳо тошлар ва буюмларни сотиб олиш ҳуқуқига эга.

Жисмоний шахслар қиймати 5 минг доллардан кўп бўлган заргарлик буюмларини декларация тўлдирган ҳолда Ўзбекистондан ташқарига олиб чиқиши мумкин.



Заргарлик соҳасидаги тадбиркорлар "Ўзбекзаргарсаноати" уюшмасига ихтиёрий аъзо бўлса, уюшма аъзоларининг имтиёз ва преференциялари уларга ҳам татбиқ этилади.

Олтидан ясалган заргарлик буюмларини чакана савдода сотганлик учун 1 граммга 1 000 (бир минг) сўм миқдорида йиғим жорий этилади.

10. gov.uz давлат субдоменига кирганда трафик ечилмаслиги мумкин. Телекоммуникация операторлари ва провайдерларига давлат субдоменида (gov.uz, my.gov.uz, regulation.gov.uz, data.gov.uz, invest.gov.uz ва бошқалар) жойлаштирилган ахборот ресурсларига киришда ишлатиладиган трафик учун ҳақ олмаслик тавсия этилади.


11. Курилиш моллари экспорти учун сертификат харажатлари давлат томонидан қопланади. Маҳаллий қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчиларининг экспорт маҳсулотини сертификатлаштириш харажатлари Экспортни ривожлантириш

агентлиги томонидан қопланади.

Техноген минерал ҳосилалар ҳақидаги маълумотлар тадбиркорларга бепул берилди.

12. Маҳаллий электротехника маҳсулотлари ишлаб чиқарувчилар учун имтиёзлар. Электротехника маҳсулотларининг давлат харидларини амалга оширишда маҳаллий ишлаб чиқарувчиларга 20 фоизгача нарх преференцияси қўлланилади.

Электротехника корхоналарининг экспорт бўйича муддати ўтган қарздорлик ҳосил бўлишини ҳисоблашнинг муддати 180 кун этиб белгиланди (амалдаги қонунчиликка мувофиқ мазкур муддат 120 кун).



Электротехника корхоналарининг ўз эҳтиёжлари учун олиб кирадиган технологик ускуналари бўйича тўланган пул маблағларини қайтариш муддати 270 кун этиб белгиланди (амалдаги қонунчиликка мувофиқ мазкур муддат 180 кун).

13. ОТМ ўқитувчилари маоши ошади. Олий таълим муассасаларининг раҳбар ходимлари, профессор-ўқитувчилар таркиби ҳамда бюджет маблағлари ҳисобига фундаментал, амалий тадқиқотлар ва инновацион ишларнинг илмий-техника дастурларини амалга оширишда қатнашувчи илмий-тадқиқот муассасалари илмий ва раҳбар ходимларининг меҳнатига ҳақ тўлаш бўйича базавий лавозим маошлари оширилган миқдорларда тўланади.

14. Шунингдек, қуйидаги ўзгаришлар жорий этилади:

- халқаро ташишларда фойдаланиладиган тягач (шатакчи) автомобилларга лицензия карточкалари берилиши учун давлат божи тўланмайди;

- "Евро-5" ва "Евро-6" экологик синф талабларига мос келадиган янги юк ва махсус автотранспорт воситаларини, шунингдек, автомобилда юк ташиш учун фойдаланиладиган тиркама ва ярим тиркама-ларни, транспорт-экспедиторлик хизматларини мажбурий сертификатлаш бекор қилинади;

- йўловчилар ташишда фойдаланиладиган автотранспорт воситаларида назорат-касса аппарати мавжуд бўлиши талаб қилинмайди;

- автомобилда юк ташиш билан шуғулланувчи якка тадбиркорлар, шунингдек, ушбу фаолият билан шуғулланувчи юридик шахс раҳбарининг малака талабларига мувофиқлик юзасидан аттестациядан ўтиши шарт эмас;

- автомобилда йўловчилар ва юкларни ташиш бўйича фаолиятни амалга ошириш учун лицензия олиншда юридик шахсларнинг базасида транспорт воситалари мавжуд бўлиши ҳақидаги талаблар бекор қилинади.

ХИТОЙДА НАҚД ПУЛ ЭСКИЛИК САРҚИТИМИ?

Statista Digital Market Outlook компанияси томонидан ўтказилган тадқиқот натижасига кўра, биргина Хитой давлатининг ўзида жорий йил мобил алоқа воситаси орқали ўз харидлари учун тўлов амалга оширадиганлар сони ярим миллиарддан ортади.

Айни пайтда тадқиқотда таъкидланишича, Хитойда ҳар бир харидорга тўғри келадиган йиллик ўтказмалар қиймати АҚШ, Буюк Британия ва Францияга нисбатан камроқни ташкил этади.

Куйида мобил тўловлар бўйича етакчи бўлиб келаётган 10 та давлат ҳақида қисқача маълумот берамиз:



10. Франция.

Қамрови: 2,2 фоиз.

Кредит карталари билан таъминланганлик 44 фоизни ташкил этади. Бу эса дунёдаги ўртача кўрсаткичдан юқори, бироқ ҳудудга нисбатан паст кўрсаткичдир. Европанинг бошқа мамлакатлари сингари Франция ҳам кредит ва дебет карталари бозори юқори даражада тараққий этган давлатлардан биридир.

Айни пайтда биргина картада барча функциялар мужассам этилган. Деярли 84 фоиз францияликлар уйда интернетдан фойдаланиш имконига эга. Бу эса дунё бўйича кузатилган ўртача кўрсаткичга нисбатан сезиларли даражада юқоридир. Францияда электрон тижорат жадвал суръатларда ошиб келмоқда, яъни йилига 11 фоизга ўсган.

E-commerce бозори ҳажми деярли 57 млрд. АҚШ долларига тенг бўлиб, ҳажми бўйича Европанинг учинчи мамлакатига айланган.

9. Буюк Британия

Қамрови: 6,6 фоиз.

Аҳолининг қарийб 99 фоизи банк ҳисобрақамларига эга бўлса-да, уларнинг 62 фоизигина кредит карталаридан фойдаланиб келади. Айримлар (масалан, яқиндагина келган хорижлик иммигрантлар ва кам таъминланганлар) ҳанузгача молия тизимига жалб қилинмаган.

Аҳолисининг 74 фоизига смартфон телефонлар мавжуд бўлган Буюк Британия Фарбий Европада онлайн "шопинг"ни уяли алоқа воситаси орқали амалга ошириладиган етакчи давлатдир. Бугунги кунда 91,6 фоиз аҳоли Интернетдан фойдаланади.

8. Испания

Қамрови: 7,3 фоиз.

Испанияда кўплаб банк бўлинмалари мавжуд. 100 минг нафар инсонга 96 та филиал тўғри кел

лади. Бу эса Фарбий Европадаги энг яхши кўрсаткич ҳисобланади.

Бу мамлакатда банк иши яхши ривожланган бўлиб, бозорда инновацион маҳсулотлар, масалан, рақамли ҳамён ва мобил банклар ишга туширилган.

Бундан ташқари, Испания мобил банкинг тарқалиши бўйича Европанинг тўртинчи ўриндаги давлатдир.

7. Бразилия.

Қамрови: 7,9 фоиз.

Бразилия БМТ, G20, ЖСТ, Меркосур ва Жанубий америкалик миллатлар Кенгаши, шунингдек БРИКС сингари халқаро ташкилотларга аъзо давлатлардан биридир.

2014 йилда Бразилиянинг йирик банк гуруҳи ҳисобланмиш Bradesco NFC технологиясига асосланган мобил тўлов тизимини ишга туширди.

Bradesco Бразилиядаги энг йирик банклардан саналади ва 4686 та филиал, 3781 та қўшимча идора ва 59 307 та экспресс бўлимларига эга ҳамда чакана савдо тармоқлари билан ҳамкорликда фаолияти юрताди.

6. АҚШ.

Қамрови: 8,8 фоиз.

Мобил тўловлардан асосан юқори даромад эгалари (18–34 ёшдагилар) фойдаланиши аниқланган. Мобил тўловларнинг аксарияти (68 фоизи) Apple Pay орқали амалга оширилган.

5. Россия

Қамрови: 10,6 фоиз

2017 йилда интернет дўконларда ҳар бешинчи харид смартфонлар орқали амалга оширилган, 25 ёшгача бўлган ёшлар учун эса онлайн тижоратнинг оммабоп воситасига айланган.

Мобил харид тобора оммалашади. 2017 йилда ҳам маълум эди. Ўша йили 47 фоиз сўралувчилар таъкидлаганидек, ҳеч бўлганда бир

маҳсулотни харид қилиш ёки хизматдан мобил алоқа воситаси ёрдамида фойдаланишни маъқул кўришади. Ушбу кўрсаткич 2016 йилда 34 фоизни ташкил қилган эди.

4. Исроил

Қамрови: 14,5 фоиз

Исроил жаҳоннинг илмий-техник салоҳияти юқорилиги бўйича энг илғор давлатларидан биридир. Юзлаб олимлар инновацион лойиҳалар устида иш олиб бориб, мамлакатнинг муҳофаасини мустаҳкамлаш борасида ҳам ушбу лойиҳалар қўл келмоқда.

Айнан шу боис Исроилда мобил алоқа ва интернет тараққий этиб келмоқда. Замонавий технологиялар давлатдаги тузилмаларнинг барчасига муваффақиятли жорий этилмоқда.

3. Индонезия

Қамрови: 15,9 фоиз

Бугунги кунда Индонезия онлайн тижорат трансформациясини ўзида синаб келмоқда. Мамлакат аҳолиси мобил алоқа воситаси инновациялари ва улардан кенг миқёсда фойдаланишга қизиқиш келмоқда.

Айнан шу боис мамлакатда мобил тўлов ёки электрон ҳамён орқали тўловни амалга ошириш энг оммабоп усулга айланиб улгурган.

2. Ҳиндистон.

Қамрови: 29,5 фоиз

2016 йил 11 апрелда Ҳиндистонда мобил қурилмаларда фойдаланишга мўлжалланган Ягона тўлов интерфейси (Unified Payment Interface) ишга туширилган.

Шундан буён пулни қабул қилиш ва жўнатиш e-mail ёки sms-хабар жўнатишдек осон бўлиб қолган. Бу лойиҳани Ҳиндистон Миллий тўлов корпорацияси ишлаб чиққан эди.

Мутахассислар қайд этишича, мобил тўловлар электрон тижоратни рағбатлантиради ва молиявий хизматлар қамровини кенгайтиради.

1. Хитой.

Қамрови: 35,2 фоиз

Хитойда мобил тўловлар кундалик турмушда шунчалик кўп учрайдики, нақд пул ёрдамида тўлов амалга ошириш кўпчиликка эскилик сарфати сифатида қабул қилинмоқда.

Мобил тўловларнинг Хитойдаги бозоридан икки хизмат — We Chat Pay ва Alipay етакчи ўринни эгаллаб келмоқда. Ушбу хизматлардан фойдаланувчилар сони юз миллионлабни ташкил қилмоқда. Хитойда банк карталари бошқа давлатлардаги сингари ривожланмади.

Бироқ мобил тўловлар сўнгги бир неча йил давомида одамларнинг ажралмас қисмига айланган.

БУЮКЛАР ҲАЁТИДАН

Америкалик иқтисодчи Лоуренс Роберт Клейн 1920 йил 14 сентябрь куни Небраска штатининг Омаха шаҳрида дунёга келган.

ЛОУРЕНС КЛЕЙН

Массачусетс технология институти (МТИ) аспирантурасидаги ўқиш унинг келгуси фаолияти йўналишини белгилайди. Пол Самуэлсон раҳбарлигида ишлаб туриб, Клейн британиялик иқтисодчи Жон Мейнард Кейннинг математик тенгламалар тизимига нисбатан инқилобий назарияларини янгидан ишлаб чиқади, Кейнс 1936 йилда чоп этилган "Бандлик, фоиз ва пулнинг умумий назарияси" номли ишида таъкидлайдики, ҳужаликдаги умумий самарали талаб - истеъмол сарфларининг капитал қурилишга ажратилган маблағ ва ҳукумат сарфларининг умумий суммаси - миллий фойда ва бандлик даражасини белгилайди.

Ўзга иқтисодий назариядан келиб чиққан ҳамда бошқа статистик воситалардан фойдаланган ҳолда у иш фаоллигининг тебранишини олдиндан айтиб беришга ва иқтисодий сиёсат тадбирлари самарадорлигини баҳолашга имкон берадиган воситаларни ишлаб чиқишга ҳаракат қилди.

1947 йилда Клейн Оттавада бўлиб, у ерда Канада иқтисодиёти учун дастлабки моделни тузади ва аспирант Артур Голдберг билан ҳамкорликда "Клейн-Голдберг модели" номи билан танилган Америка иқтисодиёти моделини ниҳоясига етказди. Клейннинг сўнгги вақтлардаги илмий ишланмалари ушбу модел тузилишининг асоси қилиб олинган эди. Бу асос ўз ечимини давлатда ишлаб чиқариш қўрилишини берадиган тенгламаларнинг ўзаро боғланган, бир вақтда бўладиган ва йўналтирилган қаторидан ташкил топган эди.

1958 йилда Клейн Пенсильвания университети иқтисодиёт кафедрасига ишга кириди ва у ерда халқаро иқтисодий тизимга илова қилинган Америка иқтисодий моделини тузишни бошлади.

Уртон моделлари жуда мураккаб тузилишга эга бўлган. Агар ривожланган давлатлар эконометрик модели фақат 30 та тенгламага эга бўлса, Америка иқтисодиёти квартал модели бир вақтнинг ўзида ечилиши керак бўлган 1 минг тенгламани ўз ичига олади.

1960-йилларда Клейн бошқа баъзи бир давлатлар, шу жумладан, Исроил, Мексика ва Япония учун эконометрик моделларни ишлаб чиқади. Ушбу ишланмаларни бажариш мобайнида у турли мамлакатлардаги турлича институционал тизимлар улар томонидан қўлланиладиган тенгламаларни танлашга ва шаклланишига қандай таъсир қилиши билан танишади.

Клейн 1980 йили эконометрик моделларини тузганлиги ҳамда уларни иқтисодиёт ва иқтисодий сиёсат тебранишлари таҳлилида қўллаганили учун иқтисодиёт соҳасида Нобель мукофотиغا сазовор бўлади.

Абдумажид ТўРАЕВ,
Иқтисод фанлари номзоди

Газетанинг навбатдаги
27-сони 18 июлда
чоп этилади.

БАНК АХБОРОТНОМАСИ

АХБОРОТ-ТАҲЛИЛИЙ ГАЗЕТА

ҲАМКОРЛАРИМИЗ ВА МУАССИС

Ўзбекистон Республикаси
Марказий банки

Ўзбекистон Республикаси Банк-молия
академияси

"Moliya yangiliklari agentligi" МЧЖ

БОШ МУҲАРРИР

Ўктам АБДУЛЛАЕВ

НАШР УЧУН МАСЪУЛ

Бобур МУҲАММАДИЕВ

Реклама ва маркетинг хизмати

Тел: 99897 776 60 18

71 232 45 32

Факс: 71 232 43 98

Нашр индекси-102.

Ахборот кўмағи

Ўза, "Norma Hamkor" МЧЖ

Тахририят манзили:

100060. Тошкент ш., Шаҳрисабз кўчаси,
23-уй e-mail: bankaxborotnomasi@mail.ru,
www.banknews.uz телеграм каналимиз

@bank_axborotnomasi

Чоп этишга тайёрловчи: "Moliya yangiliklari agentligi"

МЧЖ

Газета тахририятнинг техник ускуналарида
саҳифаланди.

"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Корхона манзили: Тошкент ш. Буюк Турон кўчаси, 41-уй.